

**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши  
вазирлиги томонидан 2024 йилда амалга оширилган ишлар  
түғрисида  
МАЪЛУМОТ**

**I. 2024 йилда амалга оширилган ишлар**

**Яшиллик даражасини ошириш**

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2024 йилда жами **224 млн туп** кўчат экилди. Баҳорги кўчат экиш мавсумида республика бўйича **138 млн туп** (*прогнозга нисбатан – 110,5 %*), кузги мавсумда **86 млн туп** кўчатлар экилди (*прогнозга нисбатан – 107 %*).

Дараҳтларни суғориш мақсадида **253 та** сув чиқариш қудуқлари қазилди ва **2 906 км** узунликда суғориш тизимлари ташкил этилди.

Йирик саноат корхоналари худудлари ва атрофида **11,8 млн туп** дараҳт кўчатларини экиш орқали “**яшил белбог**”лар ташкил қилинди.

2024 йил давомида **184 та** яшил боғлар ташкил этилиб, уларнинг умумий сони **444 тага** етказилди.

“Очиқ бюджет” тизими орқали “**Менинг боғим**” лойиҳаси ишга туширилиб, фуқаролар томонидан ташабbus билдирилган **215 та** лойиҳа ғолиб деб топилиб, “Яшил боғ” ва “Яшил жамоат парклар” барпо этиш ишлари олиб борилмоқда.

**Атмосфера, ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш**

**138 та** саноат корхоналарида самарадорлик даражаси юқори бўлган чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилди ва мавжудлари модернизация қилиниши натижада атмосфера ҳавосига **6,5 минг тоннадан** ортиқ зарарли ташламалар ташланишининг олди олинди.

Тошкент шахри ва вилоят марказларида ҳар ойнинг тўртинчи чоршанба кунида “**Автомобилсиз кун**” жамоатчилик лойиҳаси ўтказилиб, тадбир доирасида жамоат транспортидан фойдаланиши орқали **800 мингга** яқин транспорт воситаларидан фойдаланмаслик эвазига **2 320 тонна** зарарли ташламаларнинг атмосферага ташланишининг олди олинди.

“**Тоза ҳаво**” ойлиги тадбирлари давомида **407 мингта** (*прогнозга нисбатан – 102 %*) автотранспорт воситаси экологик назоратдан ўтказилди.

**93 та** корхонада локал оқова сув тозалаш иншоотлари қурилди ва реконструкция қилинди. **803 та** автомобиль ювиш шохобчалари ўз-ўзига

хизмат қўрсатишга ўтказилиб, **1 161 та** шоҳобчалар оқова сув тиндиригичлар билан жиҳозланди.

Атроф-муҳитга таъсир қўрсатувчи **I-IV тоифага** мансуб **19 573 та** (*прогнозга нисбатан – 114 %*) обьект давлат экологик экспертизасидан ўтказилди. **688 та** корхонанинг атроф-муҳитни ифлослантирувчи **3 276 та** манбаасида экологик мониторинг ўтказилди.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш натижасида бузилган **2 000 гектар** ер майдонлари рекультивация қилинди.

### **Биохилмажилликни сақлаш**

Муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг рўйхатдан ўтмаган **61,2 минг гектар** ерлари тўлиқ давлат рўйхатидан ўтказилди.

**97 та** ўсимлик тури, **106 та** ҳайвон тури ва муҳофаза этиладиган табиий худудлардаги **46 та** обьектнинг геоахборот маълумотлари Миллий геоахборот тизимига киритилди.

Сунъий йўлдош суратлари орқали **254,1 млн дона** дараҳтларнинг координаталари аниқланиб, рақамли харитаси яратилди. **600 мингдан ортиқ** дараҳтларнинг паспорти шакллантирилиб, тўлиқ параметрлари бўйича маълумотлар электрон платформага киритилди.

**Қуи Амударё давлат биосфера резерватида** **2 та** электр насос ишга туширилиб, Амударёдан сув чиқариш орқали тўқайзорлар таназзулига барҳам берилди.

2024 йилнинг 12-17 февраль кунлари БМТнинг Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаб қолишига доир конвенцияси Томонлар конференциясининг **14-йифилиши (COP-14)** Самарқанд шаҳрида юқори даражада ташкил этилди.

Қизил китобга киритилган ҳайвонот обьектларига етказилган зарарни ундириш суммаларини **10 бараварга**, ўсимликларга - **5 бараварга**, дараҳтларни ноқонуний кесганлик учун жарималар **5 бараварга** оширилди.

### **Экологик назорат тадбирлари**

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчилик хужжатлари талабларини бузган **44,5 минг нафар** шахслар аниқланди.

Қонунбузарларга **49 млрд сўм** маъмурий жарима ва **14 млрд сўм** етказилган заарлар ҳисобланди. **94 мингдан** ортиқ корхона ва фуқароларга соҳага оид профилактика тадбирлари ўтказилди.

### **Экологик вазиятни яхшилаш**

**GREEN CITY INDEX** услубиёти асосида **13 та** ҳудуднинг маъмурий маркази ва Тошкент шаҳрининг экологик паспортлари ва **экологик рейтинги** шакллантирилди. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг экологик “мастер-режа”лари ишлаб чиқилди.

Аҳолини шаҳарлар экологик барқарорлигининг жорий рейтинги тўғрисида хабардор қилиш, шунингдек, фуқароларга шаҳарларда атроф-муҳитни яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган ҳужжатлардан (экологик бош режалар ва экологик паспортлар) фойдаланиш имкониятини таъминлаш мақсадида **greencities.uz** онлайн платформаси ишга туширилди.

Марказий Осиёда дастлабки экологик муаммоларга илмий ечим топишга қаратилган илмий университет **Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University)** фаолияти ташкил этилди.

### Чиқиндиларни бошқариш

Маиший чиқиндилар билан ишлаш соҳасида хусусий сектор улуши **65 фоизга** етказилди. Чиқинди хизматларига тўлов қилишда “**Тоза Макон биллинг**” дастурий тизими жорий қилинди.

Чиқинди корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида **400 млрд сўмлик 346 та** маҳсус техникалар лизинг асосида етказиб берилди.

Чиқиндиларни саралаб йиғиш тизимини жорий қилиш мақсадида **414 та** замонавий чиқинди йиғиш майдончалари реконструкция қилинди ва **26 та** замонавий майдончалар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Чиқиндиларни ноқонуний жойлаштириш ҳолатларини аниқлаш мақсадида **110 та** назорат камералари ўрнатилди.

“Sayar LLC” компанияси (АҚШ) томонидан Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухорода **6 минг тонна** тиббиёт чиқиндиларини термик қайта ишлаб, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиши бошланди.

Ушбу лойиҳа доирасида 2024-2025 йиллар давомида **7 миллион доллар** жалб этиб, йилига **6 минг тонна** тиббиёт чиқиндиларини термик қайта ишлаб, **20 ГВт соат/йил;**

2026 — 2030 йилларда **108 миллион доллар** жалб этиб, йилига **90 минг тонна** тиббиёт чиқиндиларини термик қайта ишлаб, **300 ГВт соат/йил** қувватга эга ускуналарни ишга тушириш кўзда тутилган.

Соҳа инспекторлари учун **250 та** планшетлар тарқатилди ва **1 280 та** чиқиндилар билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, бартараф этилди.

### **Ўрмонларни кенгайтириш**

Республикада экологик вазиятни барқарорлаштириш мақсадида **220 минг гектар** майдонда ўрмон барпо қилиш ва қайта тиклаш тадбирлари амалга оширилиб, республиканинг ўрмон билан қопланганлик даражаси **8,1 фоизга (3,65 млн гектар)** етказилди.

Жумладан, Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи худудларида қум кўчиши ҳамда атмосфера ҳавосига туз-чанг кўтарилишини бартараф этиш мақсадида **215 минг гектар** майдонда “яшил қопламалар” барпо қилиниб, уларнинг майдони **1,9 млн гектарга** етказилди.

Чўл, тоғ ва тоғолди худудларида чўлланиш ва қум кўчиши, сув ва тупроқ эрозиясининг олдини олиш мақсадида **1000 гектар** майдонда ҳимоя ўрмонзорлари (иҳота) барпо этилди.

Ўрмон барпо этиш ҳамда кўкаламзорлаштириш тадбирлари учун дарахт ва буталарнинг **1039 тонна** уруғлари жамғарилиб, **127 млн туп** манзарали ва мевали ниҳол ва кўчатлар етиштирилмоқда. Ниҳолхона ва кўчатхоналар майдони **1,1 минг гектарга етказилди**.

Давлат ўрмон хўжаликларида хусусий сектор субъектлари билан биргаликда майда шохли чорва моллари сони **180 минг** бошга, парранда сони **1300 минг** донага, асалари оиласлари сони **230 минг** донага етказилади. Ўрмон фондининг фойдаланилмаётган **7 минг гектар** ер майдонлари ўзлаштирилиб, оборотга киритилди.

Ўрмон хўжаликларида **5,6 минг гектарда** доривор ва озуқабоп ўсимликлар плантацияси барпо этилиб, **9,6 минг тонна** доривор ва озуқабоп ўсимликлар хом ашёси тайёрланди.

### **Гидрометеорология**

**Барвақт огоҳлантириш** тизимини такомиллаштириш мақсадида **20 та** гидрологик постлар замонавий **автоматик сув ўлчаш** ускуналари билан жиҳозланди.

“Замин” халқаро жамоат фонди билан ҳамкорлиқда **8 та** автоматик станциялар **Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Тошкент** ва **Фарғона** вилоятлари марказларида ҳамда **Тошкент шаҳрида** ўрнатилиб, олинган маълумотлар *monitoring.meteo.uz* веб-сайтида ҳар **10 дақиқада** янгиланиб борилиши таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси **Очиқ маълумотлар порталига**  
**11 турдаги** гидрометеорологик ва атроф табиий муҳит ифлосланиши мониторинги маълумотлари **жойлаштириб борилиши** таъминланди.